

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА
УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР
СТРАТЕГИЯСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ”
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ – АМАЛИЙ СЕМИНАРИ**

МАТЕРИАЛЛАРИ



ТОШКЕНТ - 2017

Қ.П.Қабулов - Ҳаракатлар стратегиясида “Хавфсизлик ва миллатлараро тотувлик” масалаларининг ифодаланиши.....	109
Sh.Q.Ismoilova, Z.Q.Ro`zmatova - Pedagogik muloqot shaxsning o`z-o`zini anglash vositasi sifatida.....	112
S.Sobirova – O`zbek antroponimlari va ularning variantlari.....	115
Б.Б.Шарипова - Бошланғич синф ўқувчилар онгини шакллантиришда педагогик технологияни ўрни ва роли.....	117
Қ.П.Қабулов, С.Шомуродова, Л.Аллаберганова - Ҳаракатлар стратегиясида “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” масалалари.....	119
О.А.Остонов – Хунармандчилик анъаналари ва ислохотлар.....	121
N.Ro`zmetova - Fe`l so`z turkumi sathida shakllangan omonimlarning chastotali tahlili.....	123
Д.Бекчанова - Бошланғич синф ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил этишнинг замонавий шакллари.....	125
О.Хужаниёзова, D.Sultonova – O`quvchilarga milliy qadryatlarni singdirish jarayonining samaradorligini ta`minlash.....	127
С.М.Маткаримова, Ф.Вапаева - XIX аср охири – XX аср бошлари Хива хонлигида мансаблар.....	129
О.Хужаниёзова, G.Karimova - Ta`lim tizimiga pedagogik texnologiyani tadbiq etishning zarurati.....	133
Б.С.Самандарова, М.М.Олимова, Н.К.Ибрагимова, Н.Б.Абдушарипова - Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш — давлат сиёсатининг устувор вазифаси.....	135
Н.Н.Курбанова, Н.П.Бойматова, М.К. Матчанов, Р.У.Хакимов - Мамлакатимиз ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини оширишнинг ижтимоий - сиёсий жиҳатлари.....	138
О.К.Садуллаев, Г.А.Машарипова, С.Ш.Юсупов, О.Бекмурадова - Интеллектуал ёшлар – келажак пойдевори.....	140
М.Матниёзов, D.Davletova - Iqtisodiy tafakkur va iqtisodiy madaniyat tushunchasi.....	142
Б.С.Самандарова, Н.Н.Курбанова, М.А.Отаназарова, О.М.Курбаниязова - Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз.....	145
Б.С.Самандарова, Х.М.Сотихонова, Ш.Н.Исматуллаев, Б.Б.Менглиев - Баркамол авлод ёшлари бизнинг эртанги кун келажакимиз давомчилари.....	147
Б.С.Самандарова, З.С.Аллаберганова., Н.Н.Курбанова, Н.Э.Самандарова, М.М.Олимова - Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш давр талаби.....	150
K.S.Niyozov, D.Xudayberganova - Ajdodlarimizning tasviriy san`at va amaliy san`at namunalari estetik tarbiya omilli.....	152
F.Mamadaliyeva, Z.Boboqulova- Ijtimoiy sohani rivojlantirish mamlakatimiz siyosatining bosh strategik yo`nalishlaridan bir.....	154
Э.Ҳоликулов - Миллатлараро тотувлик ғояси – умумбашарий	

ва тарбияланувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Тарбиячи таълим жараёни ташкилотчиси, раҳбари ва назоратчиси ҳамдир. Тарбияланувчи машгулол давомида ўзини эркин ҳис қилиши ва жараён эмоционал жиҳатдан уни кониктириши, яъни унга ёқин лозим, шунда у ўз фикрларини эркин баён эта олади. Тарбиячи янга билим берганидан кейин, бола мавзунини қандай ўзлашгарганини, унинг фикрини билиш, билимини синаш, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун саволни, албатта, тўғри қўя олиши керак. Саволлар беришда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- саволлар аниқ ва қисқа бўлиши;
- битта савол билан битта нарсани сўраши;
- савол айнан мавзуга доир бўлиб, болага тушунарли бўлиши;
- саволлар "ёпик" эмас, балки "очик" бўлиши;
- тез-тез "нима учун?", "сен нега бундай деб ўйлайсан?", деган саволлар билан мувожаат қилиши керак бўлади.

Савол берганда, жавобини маълум бир мудат қуйиш керак ва зарур бўлса, саволни бошқачарак талқинда такрорлаш мумкин, лекин ҳар қайси вазиятда ҳам жавобни, имкон қадар айтиб қўймаслик зарур. Интерфаол усуллар хилма-хил бўлиб, қайси усулни танлаш тарбиячининг ўтаётган мавзуси, дарснинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ бўлиши лозим. Ёшлар тарбиясида иштирок этаётган субъектларнинг шахсий намуналари, ўқув манбалари, бадий адабиётлар, оммавий ахборот воситалари (шу жумладан, Интернет) материаллари ва уларнинг ҳолатлари ёшларда экологик маданиятни шакллантиришнинг муҳим воситалари саналади.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА “ХАВФСИЗЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК” МАСАЛАЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Қ.П. Қабулов- катта илмий ходим-изланувчи,(УрДУ)

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин, Ўзбек миллати ўзлигини англаб, инсоният тарихий тараққиётининг ҳамма даврларида ҳам жаҳонда ҳеч бир халқдан кам эмаслигини, юксак поғонадан жой эгаллаганлигини ўз истеъдод ва тафаккури билан исботламоқда. Бу ҳолатни бугун Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий тараққиёт йўлини танлаб, шу йўлидан оғишмай бораётганига, кишилар турмуш тарзи, онги ва қалбидаги ижобий ўзгаришларга, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларнинг ўзаро тотувлиги, тинчлиги-осойишталиги асосий сабабдир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: юртимизнинг қўл миллатли халқи онгида “Ўзбекистон – ягона Ватан” деган ғоя асосида ватандошлик туйғусини шакллантириш, бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.

Этник тарқибни жиҳатидан турли халқлар бирлигидан иборат жамиятимизда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг умуминсоний, демократик-гуманистик тамойилларга асосланган: ижтимоий, иқтисодий,

сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий, ғоявий-мафқуравий муносабатлари; инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзида тўлақонли ифодалаган ва уларни ҳимоя қилишни асосий мақсад қилиб қўйган амалдаги Конституциямизнинг қатор моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, унинг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди», деб қайд этилиши¹, 8-моддасида эса: «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади», деб қайд этилиши, кўп миллатли мамлакатимизда, уларнинг эркинлигини, тенглигини, аҳил ва тинч яшаш ҳуқуқларини таъминлайди. Полиэтник таркибга эга мамлакатларда миллатлараро муносабатлар масаласи долзарб муаммолардан ҳисобланиб, ушбу муаммони ҳал қилиш орқали ҳар қандай мамлакатда хавфсизликка эришиш мумкин. Жаҳон тажрибаси миллатлараро тотувликни таъминлашга тор доирадаги утилитар-меркантил манфаатлар асосида бир ёқлама, юзаки ёндашувлар, жиддий ижтимоий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқаришини кўрсатмоқда. Шунга қўра, давлатга ўз номини берган (титул) миллат билан бирга яшайдиган бошқа миллат ва элат вакиллари орасидаги ижтимоий муносабатлар жиддий демократик ташкилий асосларни тақозо қилади. Акс ҳолда, жамият ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин.

Шу каби муаммоларни олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси» алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур «Ҳаракатлар стратегияси» да мамлакатни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши белгиланган, яъни:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш;
3. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиш асосий устувор йўналиш қилиб белгиланган².

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»нинг

«Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиш» деб номланган бешинчи йўналиш доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2014-4-б

² Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида /расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. - Тошкент: Адолат, 2017.

ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулдда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда. Бу эса ўз навбатида, Хавфсизлик ва миллатлараро тотувлик масаласини ҳал қилишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан қўлаб миллат ва элат вакиллари баҳамжihat истиқомат қилиб келганлиги, миллатимизнинг этник бағрикенглигини исботлайди ва барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиёти қафолати бўлган. Бошқача қилиб айтганда, миллатлараро муносабатларда интегратив уйғунлик вужудга келган мамлакатимизда: бир томондан, қўп миллатлилик жамият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланишига самарали таъсир кўрсатиши, иккинчи томондан, жамият умумий ривожланиш тенденцияси йўналишларини ва истиқболларини белгилаб бериши – қонуният мақомига эга. Ўз навбатида бу қонуният, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг куйида кўрсатилган ташкилий асосларини ривожлантириш учун:

- миллатларнинг ижтимоий мобиллигини, сиёсий фаоллигини, конфессионал тенглигини таъминлашнинг мукамал қонуний-ҳуқуқий асосларини, институционал тизимини яратишни;

- миллатлараро ижтимоий муносабатларда ихтиёрийлик, мақсадга мувофиқлик, эркинлик ва умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятлар, ҳамда тамойиллар устуворлиги;

- миллатларнинг ижтимоий-демографик ривожланиш эҳтиёжларига, мақсадларига, манфаатларига ва бошқа ментал хусусиятларига дифференциал ёндашиш;

- турли халқлар ва миллатлар маданияти интеграциялашуви жараёнида, уларнинг тарихий шаклланган миллий маънавий-маданий анъаналарини сақлаб қолишни ҳисобга олиш;

- мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари онгида “Ўзбекистон – ягона Ватан” ғоясига эътиқодни шакллантиришнинг имкониятларини яратишни тақозо қилади.

Бу кўрсатилган тамойилларга асосланиш миллатлараро муносабатларда манфаатларни уйғунлаштириш орқали хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиётни таъминлаш қафолатини яратади.